XALQ DEPUTATLARI BUXORO SHAHAR KENGASHINING QARORI

2022 - yil 29 - iyul VI-75-99-2-42-K/22 Buxoro shahar hokimligi

Бухоро шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси ҳамда қўшимча манбаларини йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг 2022 йил 8 апрелдаги КҚ-331-IV-сонли қарорига асосан шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағ йўналтириш бўйича таклифлар жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш учун 10 кун муддатда “E-qaror” электрон тизимига жойлаштирилган.

Жамоатчилик фикрини инобатга олиб, шакллантирилган тадбирларни молиялаштириш бўйича таклифларга асосан Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 126-моддасига асосан шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан маблағ йўналтириш талаб этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 12, 27 ва 126-моддаларига асосан Бухоро шаҳар ҳокимлиги молия бўлими томонидан тақдим этилган шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси тўғрисидаги ҳисоботи ҳамда шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбаларини йўналтириш бўйича таклифларини муҳокама қилиб, Халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Бухоро шаҳар ҳокимлиги молия бўлими мудири У.Файзуллаевнинг Бухоро шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил биринчи ярим йилликдаги ижроси ҳамда қўшимча манбаларни йўналтириш тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин.

Таъкидлаб ўтилсинки, Бухоро шаҳар маҳаллий бюджетининг 2022 йил биринчи ярим йилликда даромадлари 74,9 млрд.сўмни ташкил этди.

Ўз навбатида, маҳаллий бюджетдан 152,5 млрд. сўм миқдорида харажатлар амалга оширилди, шундан 97,3 млрд.сўми ёки 67,8 фоизи ижтимоий харажатларга йўналтирилди.

Бундан ташқари, республика бюджетидан мақсадли тадбирларга қўшимча ажратилган маблағлар, тартибга солувчи бюджетлараро трансфертлар ҳамда вилоят маҳаллий бюджети параметрлари доирасида киритилган ўзгартиришлар ҳисобига белгиланган тадбирлар ўз вақтида молиялаштирилди.

2. Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 12-моддасига асосан шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан йўналтириладиган маблағлар иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Бухоро шаҳар ҳокимлиги молия бўлими (У.Файзуллаев) ҳамда шаҳар Давлат солиқ

инспекцияси (А.Абдуллаев)га:

шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда даромадлар прогноз режа кўрсаткичларини сўзсиз ижросини таъминлаш чораларини кўриш. Бунда, прогноз режани ҳар бир солиқ тури кесимида тўлиқ бажарилишини таъминлаш;

бюджет даромадлари базасини кенгайтириш ҳамда маҳаллий бюджетга қўшимча солиқ тушириш манбаларини аниқлаш ва мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш;

маҳаллий бюджет параметрларида кўзда тутилган харажатларни, хусусан биринчи даражали тўловларни ўз вақтида молиялаштирилишини таъминлаш;

йил давомида маблағ олувчиларнинг харажатлар сметаси ижросидан келиб чиқиб, паст самарали харажатларни ҳамда Давлат харидлари ахборот порталида амалга оширилган савдолар якуни билан иқтисод қилинган маблағларни белгиланган тартибда мақбуллаштириш ва кредитор қарздорликларни қоплашга йўналтириш;

шаҳар маҳаллий бюджети қўшимча манбаларнинг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга ҳамда 30 фоизини “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармаларига белгиланган тартибда ўтказиш;

“Обод маҳалла” дастурига киритилган тегишли объектларида белгиланган қурилиш-таъмирлаш ишларини ўз вақтида бажарилишини ва объектларини ўз муддатида фойдаланишга топширилишини назоратга олиш;

“Давлат харидлари тўғрисида”ги Қонун талабларига қатъий риоя этиш;

Маҳаллий бюджетнинг 2022 йил 2-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан белгиланган тартибда йил бошига нисбатан ошган ортиқча тўланган солиқ суммаларни чегириб, йўналтирилишини таъминлаш;

бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши ҳамда бюджет интизомига риоя этилиши устидан назорат ўрнатиш топширилсин.

4. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг Маҳаллий бюджет, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, инвестициялар ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси (Ф.Асадов), ижросини таъминлаш шаҳар ҳокимининг молия-иқтисодиёт ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари Х.Яхёев зиммасига юклатилсин.

Кенгаш раиси **Ж.Носиров**

Xalq deputatlari Buxoro shahar
Kengashining
2022 yil 29 iyuldagi
VI-75-99-2-42-K/22-son qaroriga
1-ilova

Бухоро шаҳар маҳаллий бюджетининг қўшимча манбалари ҳисобидан йўналтириладиган маблағлар миқдори

млн.сўмда

№	Тадбирлар номи	Ажратиладиган маблағлар миқдори	Маблағ ажратиладиган ташкилот номи	Ажратиладиган қўшимча маблағлар манбаси
1.	Шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Аёллар дафтари”га киритилган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармасига; (15 фоиз) шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги “Ёшлар дафтари”га киритилган фуқароларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш жамғармасига; (15 фоиз)	**708,5** **708,5**	Шаҳар ҳокимлиги	2022 йил 2-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан
2.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5072-сонли Қарорига асосан “Жамоатчилик ташаббуси” жамғармасига йўналтириш	**1417,0**	Шаҳар ҳокимлиги	2022 йил 2-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан
3.	Маҳалла фуқаролари йиғинлари рағбатлантириш жамғармасига (3 фоиз)	**142,0**	Шаҳар маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш бўлими	2022 йил 2-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан
4.	Дарахт ва буталарнинг зараркунандалар ҳамда касалликларга қарши курашиш тадбирларига (2 фоизгача)	**95,0**		2022 йил 2-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан
5.	Шаҳар ҳокимлиги, шаҳар кенгаши котибияти, молия ҳамда халқ қабулхонаси ходимлари учун қўшимча рағбатлантириш ва озиқ-овқат тўловлари.	**475,0**	Шаҳар ҳокимлиги	2022 йил 2-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан ва 2022 йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан
6.	Бухоро шаҳрида олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий ҳамда сиёсий ишларни аҳолига етказиш ва видеороликлар тайёрлаш	**15,2**	Шаҳар ҳокимлиги	2022 йил 2-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан

7.	“Халқаро зардўзлик ва заргарлик фестивали” доирасида эски шаҳар ҳудудида ёритгичлар харид қилиш ҳамда фестивал ўтадиган ҳудудни адрас мато билан безатиш харажатлари учун	**130,0**	Шаҳар ободонлаштириш бошқармаси	2022 йил 1-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан
8.	2022 йил июл-декабр ойлари “Ijro.gov.uz” ҳамда “E-Xat” электрон тизими тўловлари харажатлари учун	**4,5**	Шаҳар ҳокимлиги	2022 йил 1-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан
9.	Шаҳар ҳокимлигининг хизмат автомашиналарини таъмирлаш харажатлари учун	**58,0**	Шаҳар ҳокимлиги	2022 йил бошида шаклланган эркин қолдиқ маблағлари ҳисобидан
10.	Бухоро шаҳар ҳокимлик биносини қўриқлаш харажатларидан юзага келган кредитор қарздорликлар	**160,0**	Шаҳар ҳокимлиги	2022 йил 2-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан
11.	Бухоро шаҳридаги оилавий ётоқхонада яшовчи фуқаро Ш.Бобоевнинг уйини таъмирлаш харажатлари учун (Мурожаат)	**25,0**	Шаҳар ҳокимлиги	2022 йил 2-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан
12.	Маҳалла раислари сайловларини ташкил этиш ва ўтказишда фаол иштирок этган ишчи гуруҳ ходимларини бир ойлик иш ҳақи миқдорида моддий рағбатлантириш.	**8,0**	Шаҳар ҳокимлиги	2022 йил 2-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан
13.	Бухоро шаҳар ҳокимлик биносини коммунал тўловлари харажатларидан юзага келган кредитор қарздорликлар учун	**230,0**	Шаҳар ҳокимлиги	2022 йил 2-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан
14.	“Бобойи порадўз” зиёратгохи ҳудудларини меъморий қиёфасини ободонлаштириш ва таъмирлаш ишлари учун	**148,5**	Шаҳар ободонлаштириш бошқармаси	2022 йил 2-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан
15.	“Бухоро оқшоми” газетаси таҳририятини сақлаш харажатлари. (3 ойлик)	**15,0**	Шаҳар ҳокимлиги	2022 йил 2-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан
16.	Бухоро шаҳридаги 5 та МФЙ ҳудудида вело тураргоҳ ўрнатиш (қуриш) харажатларига	**120,0**	Шаҳар ҳокимлиги маҳалла ва нуронийларни қўллаб қувватлаш бўлими	2022 йил 2-чорак даромадлар режасининг ошириб бажарилган қисми ҳисобидан
	ЖАМИ	**4 460,2**		